

## **ТАСАВВУФ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ: ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ ТАҲЛИЛ**

*Исақова Замирахон Рухитдиновна*  
*фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор в.б.*  
*Наманган давлат университети, Ўзбекистон*  
*тел: +99 891 362 89 37 e-mail: [ms.zamiraxonisaqova@gmail.com](mailto:ms.zamiraxonisaqova@gmail.com)*

**Аннотация.** Мақолада ислом динининг ажралмас қисми бўлган тасаввуфнинг Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири, тасаввуф алломалари ва тариқатларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти фалсафий-ирфоний таҳлил қилиниб, уларнинг тараққиёт давомида пайдо бўлиш, ривожланиш, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги бошқарувчилик ва легитимлик масаласи ретроспектив асосда тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** сўфий, тасаввуф, тариқат, маърифат, ҳақиқат, муршид, тариқат қоидалари, бирдамлик, альтруизм, жавонмардлик, ватанпарварлик, легитимлик.

## **СУФИЗМ И ОБЩЕСТВЕННАЯ ЖИЗНЬ: ФИЛОСОФСКО-ИРФАНИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ**

*Исакова Замирахан Рухитдиновна*  
*доктор философских наук, и.о. профессор*  
*Наманганский государственный университет, Узбекистан*  
*тел: +99 891 362 89 37 эл.почта: [ms.zamirakhonisaqova@gmail.com](mailto:ms.zamirakhonisaqova@gmail.com)*

**Аннотация.** В статье философско-ирфанически анализируется влияние суфизма, являющегося неотъемлемой частью исламской религии, на общественно-политическую жизнь Центральной Азии, роль и значение суфизма и тариқатов в жизни общества, а также ретроспективно изучается вопрос их возникновения, развития, управления и легитимности в ходе развития в общественно-политических процессах.

**Ключевые слова:** суфий, суфизм, тариқат, маърифат, хақиқат, муршид, правила тариқата, солидарность, альтруизм, джаванмард, патриотизм, легитимность.

## **SUFISM AND SOCIAL LIFE: PHILOSOPHICAL-IRFANIC ANALYSIS**

*Isakova Zamirakhan Rukhitdinovna*  
*Doctor of Philosophy, acting Professor*

**Annotation.** The article philosophically analyzes the influence of Sufism, which is an integral part of the Islamic religion, on the socio-political life of Central Asia, the role and significance of Sufism and tariqats in the life of society, and also retrospectively studies the issue of their emergence, development, management and legitimacy in the course of development in socio-political processes.

**Key words:** Sufi, Sufism, tariqa, marifat, haqiqat, murshid, tariqa rules, solidarity, altruism, jawanmard, patriotism, legitimacy.

Тасаввуфнинг Марказий Осиёга тарқалишида буюк мутасаввиф Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048-1141) мактаби алоҳида ўрин тутади. Унда таълим олган сўфийлар минтақа ижтимоий-маънавий ҳаётининг тубдан ўзгаришига олиб келган янги тариқат пойдеворини қўйганлар. Тасаввуфнинг забардаст пири муршидлари Хожа Аҳмад Яссавий (1105-1166/67), Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний (1103-1179), Шайх Нажмиддин Кубро (1145-1221), Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Хожа Алоуддин Аттор (ваф. 1400), Хожа Муҳаммад Порсо (1345-1420), Паҳлавон Маҳмуд (XIV аср), Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490), Алишер Навоий (1441-1501), Махдуми Аъзам Косоний-Дахбидий (ваф. 1542 й.), Лутфуллоҳ Чустий (ваф. 1571 й.), Бобораҳим Машраб (1640-1711) каби мутасаввифларни ҳақли равишда етук тарихий шахслар сифатида эътироф этиш ўринлики, улар тасаввуф илмини ҳам назарий, ҳам амалий бойитиш билан бирга, мамлакат ижтимоий ҳаёти, фан, маданият, адабиёт ривожига инноваторлик функциясини бажарганлар.

Сўфийлар турли табақа ва тоифага тегишли бўлса ҳам, уларни бирлаштирган ягона куч – илоҳий ҳақиқат йўли эди. Айрим сўфийлар илм орқали илоҳий моҳиятга етишган бўлсалар, бошқалари Аллоҳни Аллоҳдан излаш йўлидан борганлар. Улар орасида ишқ йўлини танлаган “ушшоқ” ва узлатни ихтиёр қилган “зуҳҳод”лар бўлган.

Тасаввуф кенг қўламли ижтимоий фаолликка эга бўлиб, сўфийларнинг аксарияти ижтимоий фаол ҳаёт тарзини афзал кўришган, ирфоний суҳбатлар уюштиришган, кишиларни ўз-ўзи билан, оиласи билан, жамият билан, султонлар билан муроасага келтиришган. Илоҳий дастур асосида инсон ахлоқидаги қусурларни фазилатга айлантириш йўллари кўрсатишган. Ёмон хулқли кишиларни жазолашдан кўра, ҳидоятга чорлашни афзал билишган.

Маънавий ҳол соҳибларининг бағрикенглиги халқ меҳрини қозонган. Уламолар ўзларини халқдан юқори санаб, халқнинг дарди ва шикоятига бефарқ ёхуд раъиятга эътиборсиз бўлсалар, Ҳақ сирларининг кашшофлари бўлган

муршидлар кишиларга уларнинг дини, миллати ва насли-насабидан қатъий назар ҳурмат-эътибор билан қараб, уларга ҳамдард, ҳаммаслак бўлишган. Шу тариқа сўфийларнинг бағрикенглиги ва ҳиммати ҳақидаги ривоятлар вужудга келган. Илму одоб истаганлар ўз хоҳишлари билан хонақоҳларга келишган, шайхга боғланиб, маънавий озуқа олишган, муршиднинг сўзларидан қалблари нурга тўлган, иймон-эътиқодлари собит, иродалари мустаҳкам бўлган. Сўфиёна ҳаёт тарзига қарши чиққан айрим шариат аҳли уларни қаттиқ танқид қилишган бўлса ҳам, кейинчалик энг тўғри йўл сўфийлар танлаган йўл эканига амин бўлиб, Ҳақ йўлига киришган.

“Аҳли ҳол”лар танлаган йўл тасаввуфга улкан устунлик бўлиб, хонақоҳлар маърифат майдонига айланган. Мустаҳкам асосга эга бўлган тариқат мактаблари томонидан руҳий тарбия методологияси, муайян ахлоқий меъёрлар, тартиб-қоидалар ва махсус вазифалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган<sup>1</sup>.

Сўфиёна ҳаёт тарзи султонлар, ҳокимлар, амалдорлар ва бошқа дин вакиллари хам жалб этган. Сўфийларнинг ҳаёт тарзи барчага ибрат, намуна бўлиб, муршид ва мурид муносабатлари тасаввуфнинг ривожига, диний кадрларнинг бус-бутунлиги ва интеграциясига йўл очган.

Тасаввуфнинг ижтимоий бирдамликни вужудга келтириши, тариқат аҳли ўртасидаги биродарлик, альтруизм, жавонмардлик каби фазилатлар аввалига ҳукмдорларни “чўчитган” бўлса ҳам, тасаввуф аҳлининг давлат ишларига аралашмаслиги, мол-мулкка бефарқлиги, ўзлари билан ўзлари оворалиги, сабр-тоқати, мурасасозлигини амалда кўрган ҳукмдорлар тасаввуфга мойил бўлиб, хонақоҳларга ташриф буюришган, давлат бошқарувида шайхларнинг панд-ўғитига амал қилишган.

Шариат аҳли ижтимоий воқеликнинг зоҳирий тарафини тартибга солишган бўлсалар, маърифат аҳли инсонларнинг қалбларини бошқаришган. Шу маънода, шариат ва тариқат ўзаро муштарак ҳодиса бўлиб, жамият равнақига хизмат қилган. Шариат аҳли ислом дини ҳукми йўл-йўриқларини ўргатган бўлсалар, тариқат аҳли сўфиёна ҳаёт тарзини тарғиб қилганлар. Улар ўзларини “дўстлар”, “жонлар”, “дил аҳли” деб аташган. Улар бир-бирларини ботиний нигоҳ билан таниб, валоятдаги мақомлари (даражаси)ни фаросат билан англашган.

Сўфийлар маърифат сирларидан огоҳ бўлганлари ҳолда эгаллаган илмларини силсила занжири орқали Аллоҳнинг Расули (ваф. 632 й.) билан боғлашган. Илм-маърифат ўчоқлари кўпайгани сари, шариат илми билан бир қаторда тариқат илми ҳам ўқув дастурларидан жой олган. Мадраса ва хонақоҳларда таълим олиш учун узоқ юртдан келган илм толиблари тариқатнинг

<sup>1</sup> Шодиев Р.Т. Критический анализ нравственных норм Среднеазиатского суфизма. Дисс. канд. филос. наук. – Самарканд, 1983. – 164 с.

кенг ёйилишига катта ҳисса қўшишган. Жумладан, кубровия тариқати асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро хонақоҳда “Усули ашара”<sup>2</sup> (ўнта талаб) асосида мурид тарбиялаш усули (тавба, зухд, таваккул, қаноат, узлат, зикр, таважжух, сабр, мувоқабат, ризо)ни ишлаб чиққан<sup>3</sup>.

“Қалби софларнинг йўли”<sup>4</sup> бўлган қодирия тариқати ҳушёрлик концепциясига асосланган. Тариқат мақомлари саховат, ризо, сабр, ишорат, ғурбат, саёҳат, фақр бўлиб, зикр тартиби “Зикри даврон” шаклида бўлган. Сўфийлар ўтирган, тик турган ва гир айланган ҳолда овоз чиқариб, Аллоҳ исмларини такрорлашган. Зикрга алоҳида (зикри хафий) ва жамоа бўлиб (зикри жаҳрий) тушишган<sup>5</sup>.

Юсуф Ҳамадоний яссавия ва хожагон тариқати шайхларининг пири бўлиб, тариқатнинг тўртта – “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман” қоидасини ишлаб чиққан.

Хожа Аҳмад Яссавий асос солган яссавия тариқати шимолда Қозонгача, ғарбда Болқон ярим оролигача етиб борган<sup>6</sup>. Тариқатнинг ахлоқий қоидалари Сўфий Муҳаммад Дониш (ваф. XII аср.)нинг “Миръот ул-қулуб”<sup>7</sup> (Қалбларнинг кўзгуси) асарида мухтасар баён қилинган.

Хожагон тариқатида “суқр” (беҳудлик, Боязид Бистомий йўли) ва “сахв” (хушёрлик, Жўнайд Бағдодий йўли) ғоялари синтезлашган бўлиб, тариқат асосчиси Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний сўфийлик таълимотини “зикри хуфия” билан бойитган ва тариқатнинг тўрт қоидаси (“ёд кард”, “боз гашт”, “нигоҳ дошт”, “ё”д дошт”)ни шакллантирган<sup>8</sup>. Хожагон тариқати, кейинчалик “хожагон-нақшбандия тариқати” деб юритилган.

“Даст ба кору дил ба Ёр” (қўл ишда, кўнгил эса Аллоҳда) тамойили Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан ишлаб чиқилган. “Хожа Абдулхолиқ айтадиларки, халқдин оғирликни кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас, магар ҳалол касб билан “Даст ба кору дил ба ёр” деган сўз хожагон тариқатиға амру мукаррар турур”<sup>9</sup>.

<sup>2</sup> Шайх Нажмиддин Кубро. Усули ашара / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 264.

<sup>3</sup> Исҳоқова З. Шайх Нажмиддин Кубро. Рисола. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б. 9.

<sup>4</sup> Юнусова Г. Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили. Фалс. фан. док. дисс. автореферати. – Самарқанд, 2019. – Б. 20.

<sup>5</sup> Ислом. Энциклопедия. З.Хусниддинов таҳрири остида. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. – Б. 293.

<sup>6</sup> Турар У. Тасаввуф тарихи. Таржимон Н.Ҳасан / Сўзбоши муал. ва масъул муҳ. С.Рафиддин. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 106.

<sup>7</sup> Сўфий Муҳаммад Дониш. Миръот ул-қулуб / Хожа Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат (Янги топилган намуналар). Нашрга тайёрловчи: Н.Ҳасан. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи И.Ҳаққул. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 139.

<sup>8</sup> Қаранг: М.Ҳасаний, М.Раззоқова. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи М.Хайруллаев. – Тошкент, 2003.

<sup>9</sup> Бу ҳақда қаранг: Бўриев О. Турон тарихининг олтин даври. – Тошкент, 2019. – Б. 88.

*Хожа Баҳоуддин Нақибанд “Даст ба қору, дил ба Ёр” шиорини янгича тафаккур асосида ривожлантириб, “Дил ба Ёру, даст ба қор” деб ўзгартирган. Бунинг маъноси шуки, хожагон тариқатида бунёдкорлик, меҳнат, бошқаларнинг оғирини енгил қилиши каби эзуликка қаратилган тамойиллар етакчилик қилган бўлса, нақибандия тамойилига кўра, иймон, Аллоҳ розилиги, қалбда Аллоҳнинг нақиланиши, ҳалол луқма инсоннинг муҳим аспекти сифатида қаралган.*

Тадқиқот жараёнида яна бир масалага ойдинлик киритилдики, асрлар оша барча динлар ва илғор фалсафий ғоялар ўз даврининг сиёсати, ҳукмдори ва мафқурасига хизмат қилган ва бу вазифани адо этиш “шараф” ҳисобланган. Тарих диннинг сиёсатга, фалсафанинг мафқурага хизмат қилиши нечоғли мудҳиш оқибатлар келтирганини унутмайди (инквизиция, репрессия, инқироз, турғунлик, ақидапарастлик, экстремизм, шаккоклик...).

Тасаввуф аҳлининг эркин фаолият кўрсатиши, легитимлиги халқнинг ҳурмати, ишончи, эътирофи ва муҳаббатига сазовор бўлган. Улар ҳамиша халқ манфаатини ҳимоя қилган, мустабид тузум, мафкура, золим ҳукмдор, зулмни ёқламаган, ҳукмдорни оташин сўзлар билан олқишламаган, аксинча, маърифат билан жаҳолатни бартараф этган, ҳукмдорга ўғит, насиҳат ва ҳикмат билан маънавий озуқа берган. Тасаввуфий қарашлар мусулмонлар билан ғайридинлар, турли ижтимоий қатламлар ўртасида ўзига хос ҳамжиҳатлик ва бирдамликни шакллантирган. Сўфийлар ҳокимиятни олишга эмас, аксинча, мавжуд жамиятни соғломлаштириш ва ахлоқий етукликка даъват этишган<sup>10</sup>.

“Пири Ҳирот” деб улуғланган ҳиротлик буюк мутасаввиф Абдуллоҳ Ансорий (ваф. 1089 й.) амалдорлар адолатсизлигига чек қўйиш мақсадида салжуқийлар давлати вазири Низомулмулкка (ваф. 1092 й.) “Насиҳатномаи вазир” номли мактуб ёзган<sup>11</sup>.

Бошқарувчилик ва комбинациялаш маҳоратига эга бўлган муршидлар сиёсий муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиб, саросимага тушган халқни осойишталикка чақирганлар. Мамлакат хавф остида қолганида Ватан ҳимояси учун жонларини фидо қилганлар. Бунинг ёрқин далили кубровия тариқатидаги ватанпарварлик, халққа хизмат қилиш, инсонпарварлик ғояларининг амалий ифодаси бўлиб, Шайх Нажмиддин Кубронинг муридлари билан Хоразмни мўғул босқинчиларига қарши халқ билан бирдамликда кураш олиб борган.

Хуллас, тасаввуфий қарашлар мусулмон ва бошқа дин вакиллари, оддий кишилар билан бирга сўфий, зоҳид, обид, ориф ва уламо ўртасидаги ўзаро уйғун жиҳатларни шакллантирган.

<sup>10</sup> Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини (Монография). – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. – Б. 178.

<sup>11</sup> Ёқубов А. Тасаввуф ва давлатчилик // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2004. – № 1. – Б. 23.